

▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:



СУВ ҲАВЗАЛАРИДА ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Вилоятимиздаги сув ҳавзалари ҳамда чўмилиш масканларида хавфсизлик чоралари кучайтирилди.

Ушбу масала махсус мажлисда муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди масъул муассасалар ҳамда туман, шаҳар ҳокимларига аҳолининг, айниқса, болаларнинг хавфсизлиги талаблари

га риоя қилиш йўналишидаги ишларни жонлантириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Мажлисда вилоят фавқулодда вазиятлар департаменти, сафарбарлик, минтақавий мудофаа ва фуқаро мудо-

фааси бошқармаси раҳбарининг маърузалари тингланди. Чўмилиш мавсумида сув ҳавзаларидаги хавфсизлик бўйича тарғибот ишларига кўнгиллилар ҳамда кутқарувчиларнинг жалб этилиши ижобий натижа бермоқда.

Жорий йилда бандлик марказидан 71 киши (2023 йили

68) жорий этилди ва йил бошидан буён 262 нафар кўнгилли улкан ҳисса қўшмоқда. Муҳими, ҳар бир ота-она сув ҳавзаларида болаларини қаровсиз қолдирмай, хавфсизлик чораларига риоя қилишлари жоиз. Мутахассислар чўмилиш мавсумида эҳтиёт бўлишни тавсия қилади.

АДИБ РУҲИГА ЭҲТИРОМ



Вилоят “Фараб” илмий-оммабоп кутубхонасида таниқли адиб, журналист, таржимон, Қозоғистонда хизмат кўрсатган арбоб, Халқаро “Алаш” адабий мукофоти соҳиби, вилоятимизнинг фахрий фуқароси, “Парасат”, “Барыс” орденлари соҳиби Мархабат Байғут номидаги залнинг очилиш маросими ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Бейсен Тажибаев,

зиёлилар, Мархабат Байғутнинг оила-аъзолари, шогирдлари, ёзувчилар иштирок этишди.

Таъкидлаш жоизки, Мархабат Байғут ҳикоянавислик жанрида кўп қалам тебратган ёзувчи. Адабий асарлардан ташқари, у ёзган ҳаётий нақллар ҳам китобхонлар қалбидан жой олган. У вилоятимизнинг маънавий соҳасини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди.

Унинг адабий мероси ва хизмати ҳеч қачон унутилмайди.



ПОКИЗАЛИК ВА САРИШТАЛИК ТАДБИРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Вилоятимизда “Тоza Қозоғистон” акцияси давом этмоқда. Бу ҳақда вилоят ҳокимининг девон мажлисида айтилди.

Минтақа раҳбари Дархан Сатибалди тозалик, ободонлаштириш ишларини тизимлаштириш, фуқароларнинг экологик маданиятни юксалтириш ва фаоллигини оширишни топширди. Вилоятдаги барча муассаса ходимлари биноси ва ҳовлиси озодалигига эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Мажлисда вилоят ҳокими

биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов ва вилоят ҳокими ўринбосари Бейсенбай Тажибаевнинг “Тоza Қозоғистон” тадбирининг ижроси юзасидан маърузалари ва таклифлари тингланди. Таълим, маданият, сайёҳлик ва тиббиёт соҳаси вакиллари вакилларининг акцияга қўшган ҳиссаси ҳамда галдаги режалари ҳақида маълумот берилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли тиббиёт муассасалари ҳам тозалик тадбирига муносиб ҳисса қўшмоқда. Вилоятда фаолият

юритаётган 24 681 нафар тиббий ёрдам хизматчиларининг 12 766 нафари шанбалик ва тозалик ишларида иштирок этди.

Вилоят аҳли ўртасида ижтимоий маданият даражасини юксалтириш, одамларни мулкка эътиборли бўлишга ўргатиш, жамоат жойларида кўполлик ва жамиятга ёт хулқ-атворнинг олдини олиш мақсадида мафқуравий ишлар олиб борилмоқда. Апрель ойида 2891 кишига 40,1 млн. тенге миқдорда жарима солиниб, 19,6 млн. тенге ундирилди.

МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Туркистон шаҳрида ўтган маданият ва санъат ходимларини тақдирлаш маросимида вилоят ҳокими ўринбосари Бейсенбай Тажибаев қатнашиб, бир гуруҳ иштирокчиларга “Маданият соҳаси илғори” кўкрак нишонини топширди.

Тадбирда санъаткорлар ҳамда соҳа ходимлари ҚР Маданият ва ахборот вазирининг фахрий ёрлиғи, ҚР Маданият ва ахборот вазирининг ташаккурномалари, вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Вилоят маслаҳати девони раҳбари Мақсат Исаев маслаҳат раисининг ташаккурномасини топширса, “AMANAT” партияси вилоят филиали раисининг ўринбосари Пўлат Турсин-



баев филиал раисининг ташаккурномасини топширди.

Шунингдек, вилоят маданият ва туризм бошқармаси раҳбари Азимхан Кўйлибаевнинг ташаккурномалари топширилди. Тадбир поёнида мусиқофот соҳиблари учун байрам концерти намойиш этилди.

Вилоятимизда 686та маданият ва санъат муассасаси аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Кутубхоналар, Маданият уйлари, концерт заллари, музей, театрлар ва бошқа маданият муассасалари фаолият юритмоқда.

Туман ҳокими Бақит Асанов иншоотнинг қурилиш майдонида бўлди. 2023 йили барпо этила бошлаган иншоотда бугунги кунда ички пардозлаш, ҳовлиларни ободонлаштириш ишлари юритилмоқда.

Мажмуа ишга туширилса, Атакент кенти ва Мақтаарал қишлоқ ёшлари спорт билан касбий даражада шуғулланиш имкониятига эга бўлади.

Пудратчи компания иншоотни июль ойида фойдаланишга топширади.

Спорт мажмуасида асосан гандбол, баскетбол, волейбол, бокс, гимнастика, оғир атлетика, энгил атлетика билан шуғулланилади. Атакент спорт мактаби мураббийи Еркебулан Дайилбаевнинг айтишича, бундай спорт масканларида халқаро ҳамда республика миқёсидаги мусобақаларни ўтказиш мумкин.

АЛПОМИШЛАРНИНГ ЮРТИ БУ ДИЁР...

МАҚТААРАЛДА ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАСИ
БАРПО ЭТИЛМОҚДА.



Таъкидлаш жоизки, туман ҳокими Бақит Асановнинг ташаббуси билан туманда ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун қулай шароитлар яратилмоқда.

М. УСМОНОВА.

ЛАГЕРЛАР БОЛАЛАРГА МУНТАЗИР

Вилоятимизда 2023-2024 ўқув йилида 22та ёзги соғломлаштириш лагери (7та давлат, 15та хусусий) хизмат кўрсатиши режаланмоқда.

Унда ижтимоий ҳолатига кўра, 35482 ўқувчи бюджет ҳисобидан бепул дам оلسа, 20 мингга яқин ўқувчи ота-оналар маблағи ҳисобидан дам олишади. Шунингдек, “Қозоғистон халқига” жамғармаси ҳисобидан вилоятда 3421 ўқувчи ёзги соғломлаштириш лагерларида бепул дам олади.

Вилоят ҳокими девони мажлисида минтақа раҳбари Дархан Сатибалди лагерлар фаолиятини қатъий назорат қилиш ҳамда болаларга қулай шароитлар яратишни топширди.

Вилоят таълим бошқармаси раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи Жандўс Маханбетовнинг айтишича, шаҳар ташқарисидagi лагерлар июнь ойининг биринчи ўн кунлигида



очилиб, ёз бўйи 6-8 сменада хизмат кўрсатади.

Болаларни ёзги соғломлаштириш масканлари билан таъминлайдиган лагерлар видеокўзатув тизимлари, қўриқлаш хизмати, алоқа воситалари, ёнгин синаллари билан таъминланган.

Шунингдек, минтақада мактаб қошида бир маҳал овқат билан таъминлайдиган 350та лагер (105 987 ўқувчига мўлжалланган) ҳамда 648та ўйин

майдончаси (214 654 ўқувчига мўлжалланган) болаларга хизмат кўрсатади. Ўқувчиларни меҳнатга ўргатиш мақсадида ёз мавсумида 108 минг ўқувчи кўкаламзорлаштириш, қурилиш бригадалари ва мактаб боғи парваршида катталарга ёрдамлашади. Болаларнинг ёзги дам олишини уюштиришда махсус тайёргарликдан ўтган 14 446 педагог ходимлар фаолият юритади.

Туркистонда истеъдодли ёшларнинг санъат асарлари кўргазмаси ўтди. Тадбир “Ёшлар имконият маркази” ҳамда “Шаңырақ” ёшлар жамоат бирлашмаси томонидан ташкил этилди.

Танловни ўтказишдан кўзланган мақсад – истеъдодларни топиш, уларнинг маҳоратини оширишга кўмаклашиш ва ижодкор тенгдошлари билан таништириш эди.

Тадбирда вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси раҳбарининг ўринбосари Нурсул-

ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛГАН КУН

тан Сейтжанов, Қозоғистон рассомлар уюшмаси аъзоси Жупар Бейсенова, Қозоғистон хунармандлар уюшмаси аъзоси Мереке Айдарша, Қозоғистон безакчилар уюшмаси аъзоси Меруерт Сейсенбекова, Қозоғистон рассомлар уюшмаси аъзоси Мурат Шаханбаев, Евроосиё безакчилар уюшмаси аъзоси Алмира Нақбаева ҳамда вилоят “Ёшлар имконият маркази” раҳбари

Ернар Бектаев ва бошқалар иштирок этишди.

Тадбир якунида имконияти чекланган ёшларнинг асарлари кимошди савдосига қўйилди. Унда қимматбаҳо тошлар билан безатилган тақинчоқлар, замонавий биллакузуклар, уй макети, сават, тўқимачилик, гипсли ҳайкалтарошлик, антиқа сават ва бошқа буюмлар сотилди.

